

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 1, 2022

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL \* НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

1-son 2022-yil. \* Выпуск 1. 2022 год.

**BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:**  
**BAROTOV SH. R.**

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии  
Психологических Наук

**TAHRIR HAY'ATI – РЕДАКЦИОННАЯ  
КОЛЛЕГИЯ:**

XAMIDOV O.X.

Buxoro davlat universiteti rektori,  
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

QAHHOROV O.S.

BuxDU ilmiy ishlar va innovatsiyalar  
bo'yicha prorektori,  
iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

SHOUMAROV G.B.

(Bosh muharrir o'rinnbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor  
UMAROV B.M.

(Bosh muharrir o'rinnbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOZLOV V.V. (Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor  
MALI'X S.B.(Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOROBENYIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor

KARIMOVA V.M.

psixologiya fanlari doktori, professor  
SAFOYEV N.S.

psixologiya fanlari doktori, professor  
BEKMURODOV M.B.

sotsiologiya fanlari doktori, professor  
KADIROV U.D.

psixologiya fanlari doktori, professor  
JABBOROV A.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

NISHONOV A.Z.

psixologiya fanlari doktori, professor

IBODULLAYEV Z.R.

tibbiyot fanlari doktori, professor

BEGMATOV A.S.

falsafa fanlari doktori, professor

HUSEYNOVA A.A.

Falsafafanlari doktori, professor

MUXAMEDOVA D.G.

psixologiya fanlari doktori, professor

RUXIYEVA X.A.

psixologiya fanlari nomzodi, professor

BAROTOVA D.SH.

psixologiya fanlari doktori, dot.

**MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:**

Usmanova M.N. – psixol.fan.nom., dot.

Muxtorov E.M. – psixol.fan.nom., dot.

Raxmatova M.M. – filologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD), dot.

Abzalova M.K. - filologiya fanlari  
doktori, professor

**TEXNIK MUHARRIRLAR – TEX.**

**РЕДАКТОРЫ:**

Ostanov Sh.Sh, Rustamov Sh.Sh.

**MAS'UL KOTIB – OTB.**

**СЕКРЕТАРЬ**

Sobirova D.A. Psixologiya fanlari  
bo'yicha falsafa doktori (PhD).



# PSYCHOLOGY

## SCIENTIFIC JOURNAL

Issue 1: 2022

### EDITOR-IN-CHIEF: BAROTOV SH. R.

Doctor of Psychology, professor, the member (academician) of International Academy of Psychological Sciences

### EDITORIAL BOARD:

XAMIDOV O.X.

Doctor of Economic Sciences, Professor,  
the rector of Bukhara State University

QAHHOROV O.S.

The vice rector of Bukhara State  
University on Scientific and innovation  
Matters, Doctor of Economic Sciences,  
Docent

SHOUMAROV G.B.

(Deputy editor)

Doctor of Psychology, Professor

The assistant of the editor-in-chief

UMAROV B.M.

(Deputy editor)

Doctor of Psychology, Professor

The assistant of the editor-in-chief

KOZLOV V.V.(Russia)

Doctor of Psychology, Professor

MALIKH S.B.(Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KOROBENNIKOV I.A. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KARIMOVA V.M.

Doctor of Psychology, Professor

SAFOEV N.S.

Doctor of Psychology, Professor

BEKMURODOV M.B.

Doctor of Sociology, Professor

KADIROV U.D.

Doctor of Psychology, Professor

JABBOROV A.M.

Doctor of Psychology, Professor

NISHONOVA Z.T.

Doctor of Psychology, Professor

IBODULLAEV Z.R.

Doctor of Medical Sciences, Professor

BEGMATOV A.S.

Doctor of Philosophy, Professor

HUSEYNOVA A.A.

Doctor of Philosophy, Professor

MUXAMEDOVA D.G.

Doctor of Psychology, Professor

RUXIYEVA X.A.

Candidate of Psychology, Professor

BAROTOVA D.SH.

Doctor of Psychology, Docent

### EDITORS:

Usmanova M.N. – Candidate of  
Psychology, Docent

Mukhtorov E.M. – Candidate of  
Psychology, Docent

Raxmatova M.M. – Doctor of  
Philosophy in Philological  
(PhD), Docent

Abzalova M.K. – Doctor of Philological,  
Professor

### TECHNICAL EDITORS:

Ostanov Sh.Sh, Rustamov Sh.Sh.

### EXECUTIVE SECRETARY

Sobirova D.A. PhD of Psychology



## Мундарижса/Содержание/Contents

<b>3</b>	<b>Баротов Ш.Р., Исомоева Д.К.</b> Маҳаллада оиласарга психологик хизмат кўрсатишнинг истиқболлари <i>Prospects for providing psychological services to families in the neighborhood</i>
<b>10</b>	<b>Карамян М.Х.</b> Человек в пространстве нравственного развития: переосмысление взглядов В.А. Токаревой <i>Man in the space of moral development: Rethinking the views of V.A. Tokareva</i>
<b>16</b>	<b>Инагамова Л.У.</b> Ёши раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида стресснинг юзага келиши сабаблари ва организмга таъсири масалалари <i>Causes of stress in the management of bars and their impact on the body</i>
<b>21</b>	<b>Жабборов А.М.</b> Ёшларда психологик ҳимоя механизми ривожланишини белгиловчи муҳим ошиллар <i>Important factors determining the development of psychological defense mechanisms in young people</i>
<b>27</b>	<b>Elov Z.S.</b> O'smirlik davrida shaxs xulq-atvorida kuzatiladigan reaksiyalarning psixologik ta'siri <i>Psychological effects of behavioral reactions during adolescence</i>
<b>30</b>	<b>Авлаев О.У.</b> Шахс камолотида социал интеллектни аниқлаш генезиси: назарий таҳлил <i>The genesis of determining social intelligence in the development of the individual: a theoretical analysis</i>
<b>38</b>	<b>Усмонов Ш.А.</b> Талаба ёшларнинг вербал интеллектига оид жинсий дифференциациясининг эмпирик таҳлили <i>Empirical analysis of sexual differentiation of student youth on verbal intelligence</i>
<b>43</b>	<b>Усманова Э.З., Ахмедова А.Ш.</b> Взаимосвязь креативности с жизнестойкостью личности у студентов <i>Interrelation between creativity and personality resilience among students</i>
<b>49</b>	<b>Файзиев З.Х.</b> Раҳбар шахсига хос касбий стресснинг назарий ва эмпирик талқини <i>Theoretical and empirical description of professional stress of manager</i>
<b>54</b>	<b>Maqsadova M.S.</b> Zamonaviy boshlang 'ich sinf o'qituvchisi kasbiy tayyorlarligining psixologik xususiyatlari <i>Psychological features of professional training of modern primary school teachers</i>
<b>58</b>	<b>Shukurova D.R.</b> Bo'lajak tarbiyachilarda kasbiy madaniy munosabatlarni shakllantirishning pedagogik -psixologik xususiyatlari <i>Pedagogical and psychological features of the formation of professional cultural relations in future educators</i>
<b>64</b>	<b>Хакимова М.Ф., Маджидова Д.А.</b> Мехрибонлик уйлари олий таълим тасарруфидা <i>The orphanages are run by higher education</i>
<b>69</b>	<b>Туракулов Б.Н.</b> Эмоционал интеллект ва компетентлилик тушунчаларининг таълим класстери босқичлари <i>The educational cluster stages of the concepts of emotional intelligence and competence</i>
<b>73</b>	<b>Абдурахманова З.Э.</b> Ёшлардаги ватанпарварлик эътиқоди, ватан туйғуси миљий бирлик шаклланишининг муҳим омили патриотическая вера в молодежи, чувство патриотизма - важный фактор в формировании национального единства <i>Patriotic belief in young people, sense of patriotism is an important factor in the formation of national unity</i>
<b>79</b>	<b>Nuralieva D.M.</b> Oilalarga psixologik xizmat ko'rsatishning ijtimoiy psixologik xususiyatlari



	<i>Social psychological characteristics of psychological services for divorced families</i>
83	<b>Сафаров Д.Х.</b> <i>Маркетинг психологиясида шахслардо муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари</i> <i>Socio-psychological aspects of interpersonal relationships in marketing psychology</i>
89	<b>Холиков У.К.</b> <i>Шахмат ўргатиш жараёни бошлангич синф ўқувчиларнинг шахсий сифатларини шакланишига таъсир этувчи омил сифатида</i> <i>The process of teaching chess as a factor influencing the formation of personal qualities of primary school students</i>
94	<b>Турсунов Л.С.</b> <i>Шахс фаровонлиги индексининг ижтимоий – психологик асослари</i> <i>Socio-psychological basis of the well-being index</i>
97	<b>Саломова Г.Ш.</b> <i>Межкультурная компетентность как фактор когнитивных способностей личности</i> <i>Intercultural Competence as a Factor of Personal Cognitive Abilities</i>
100	<b>Избуллаева Г.В.</b> <i>Дидактик асарларда ижтимоий муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти</i> <i>Didaktik asarlarda ijtimoiy munosabatlarning jamiyat taraqqiyotidagi ahamiyati</i>
106	<b>Сагиндикова Н.Ж.</b> <i>Талабалар қизлар ўқув фаолиятига масъулият хусусиятларини факторли таҳлили</i> <i>Factor analysis of the characteristics of student responsibility for student learning</i>
110	<b>Якубова Г.А., Олимжонова З.Б.</b> <i>Болаларнинг психофизиологик ривожланиши</i> <i>Psychophysiological development of children</i>
115	<b>Алимарданова Р.Н.</b> <i>Ўзбек оиласарида ёш келин-куёв муносабатларига хос инқироз шакланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари</i> <i>Socio-psychological features of the crisis in Uzbek families</i>
119	<b>Ражабова Ф.П.</b> <i>Хулқи оғишган вояга етмаганлар шахсининг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларини эмпирик ўрганиш натижалари</i> <i>Results of an empirical study of individual psychological characteristics of juvenile delinquents</i>
126	<b>Djurakulova D.F.</b> <i>Ayborlik va uyut hissining ijtimoiy-psixologik jihatlari</i> <i>Socio-psychological aspects of guilt and shame</i>
133	<b>Элмуродов У.Ю.</b> <i>Замонавий раҳбар шахсида лидерлик қобилияти ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий омиллар</i> <i>Social factors influencing the development of leadership skills in a modern leader</i>
139	<b>Xakimova I.B.</b> <i>Bo'g'cha yoshi bolalarning bilish jarayonlarining o'ziga xos xususiyatlari</i> <i>The peculiarities of the cognitive processes of children of kindergarten age</i>
145	<b>Маратов Т.Ф.</b> <i>Шахс диний идентификацияси ва диний йўналганигининг ижтимоий-психологик жиҳатлари</i> <i>Socio-psychological aspects of a person's religious identity and religious orientation</i>
150	<b>Адилова Ш.Т.</b> <i>Суицид олди хулқ-атвор шакланишига таъсир кўрсатувчи психологик сифатлар</i> <i>Psychological traits influencing the formation of pre-suicidal behavior</i>
156	<b>Файзиева М.Х.</b> <i>Конструктив психологик ҳимоя механизми шакланишининг дастурий самарадорлик таҳтили</i> <i>Programmatic analysis of the formation of a constructive psychological defense mechanism</i>
161	<b>Xasanova S.G.</b> <i>Katta muktabgacha yoshdagи bolalardagi xavotirlanish muammosi borasida chet el olimlarining qarashlari</i>



		<i>Views of foreign scholars on the problem of anxiety in older preschool children</i>
	<b>Пармонов Б.Э.</b>	
165	<i>Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ахлоқий муносабатлар шаклланишининг психологияк жиҳатлари</i>	
	<i>Psychological aspects of the formation of moral relations in children of preschool age</i>	
	<b>Баротов Х.И.</b>	
169	<i>Особенности психологической помощи спортсменам</i>	
	<i>Features of psychological assistance to athletes</i>	
	<b>Умурзоков Д.Х.</b>	
173	<i>Миллий мансубликка доир тимсолларнинг ижтиёмоий психологик хусусиятлари</i>	
	<i>Socio-psychological features of the symbols of national identity</i>	
	<b>Равшанова З.Н.</b>	
177	<i>Тадбиркорлик фаолиятининг ислом динидаги аҳамияти</i>	
	<i>The importance of entrepreneurship in Islam</i>	
	<b>Turoboyeva Sh.U.</b>	
181	<i>Sanoat xodimlariga psixologik xizmat ko'rsatish mexanizmlarini takomillashtirish</i>	
	<i>Improving the mechanisms of psychological services for industrial workers</i>	
	<b>Шарипов А.Н.</b>	
185	<i>Ўсмирлик даврида ипродавий сифатларни ўрганиши масалалари</i>	
	<i>Problems of studying volitional qualities in adolescence</i>	
	<b>Эргашева С.Х.</b>	
188	<i>Психологические аспекты управленческой деятельности в системы образования</i>	
	<i>Psychological aspects of managerial activity in the education system</i>	
	<b>Мажитов Ш.М.</b>	
194	<i>Замонавий мультимедиалардан фойдаланишининг интерфаол усуллари асосида мусиқа машгулатларини ташкил этиши концепсияси</i>	
	<i>The concept of organizing music lessons based on interactive methods of using modern multimedia</i>	
	<b>Латипов И.М.</b>	
200	<i>Профессиональная компетентность будущих медицинских сестер</i>	
	<i>Psychological features of stressogenic situations in the activities of specialists in terms of prevention of professional maladaptation</i>	
	<b>Қабулов Қ.П.</b>	
204	<i>Касб танлаш мотивациясига муносабат тизимини ўрганишининг эмпирик асослари</i>	
	<i>Empirical basis for studying the system of attitudes to career motivation</i>	
	<b>Рузиева Д.Н.</b>	
208	<i>Развитие лидерских компетенций у студентов</i>	
	<i>Development of leadership competencies in students</i>	
	<b>ИЛМИЙ МУШОҲАДА</b>	
	<b>Амиржанова Д.З., Ибодуллаев З.Р., Ашурев З.Ш.</b>	
212	<i>COVID-19 пандемияси даврида хавотирли-фобик бузилишлар ва сурункали инсомния</i>	
	<i>Anxiety-phobic disorders and chronic insomnia during the COVID-19 pandemic</i>	
	<b>Алимов Х.М.</b>	
216	<i>Тасаввуф ва илми маърифат</i>	
	<i>Sufism and scientific enlightenment</i>	
	<b>ИЛМГА БАГИШЛАНГАН УМР</b>	
219	<b>Илмга багишланган умр - Алимбекова Ш.Т.</b>	
	<b>ХОТИРА АБАДИЙДИР</b>	
221	<b>Камол Хайруллаев ҳақида</b>	
223	<b>Илм йўлини танлаган фидоий шахс</b>	
	<i>Рухиева Х.А., Ибодуллаева И.Н., Мухторова М.А.</i>	

распространение слухов или опорочение репутации путем нарушения конфиденциальности. Исследование обнаружило отрицательную взаимосвязь между косвенной агрессией и когнитивной гибкостью, что означает, что когнитивно гибкие коммуникаторы осознают потенциальные негативные последствия таких действий и могут думать таким образом, чтобы «позволить им найти более эффективные способы решения ситуаций, которые могут агрессивные реакции менее гибких участников общения. Точно так же Мартин, Андерсон и Твант (1998) обнаружили, что когнитивная гибкость положительно связана с аргументированностью и терпимостью к разногласиям и отрицательно связана с вербальной агрессивностью. Оба этих результата подтверждают представление о том, что когнитивно гибкие коммуникаторы могут эффективно и продуктивно обсуждать аргументы и конфликты, что позволит человеку потенциально ориентироваться в межличностном конфликте, который часто возникает из-за внутреннего культурного шока или межкультурной неразберихи в межличностных обменах. Эти результаты показывают, что когнитивная гибкость - полезный инструмент для измерения способности человека действовать в моменты межкультурного конфликта путем использования различных эффективных тактик общения.

### Литература.

1. Kim Archambeau, Wim Gevers, in Heterogeneity of Function in Numerical Cognition, 2018.
2. Diamond A, Barnett WS, Thomas J, Munro S. Preschool program improves cognitive control. Science. 2013;318:1387–1388.
3. Martin, M. M., & Rubin, R. B. (1995). A new measure of cognitive flexibility. Psychological Reports, 76, 623-626.
4. Anderson, P. H., Lawton, L., Rexeisen, R. J., & Hubbard A. C. (2006). Short-term study abroad and intercultural sensitivity: A pilot study. International Journal of Intercultural Relations, 30(4), 457-469.
5. Kim, Y. Y., & Ruben, B. D. (1988). Intercultural transformation: A systems theory. In Y.Y. Kim & W.B. Gudykunst (Eds.), *Theories in Intercultural Communication* (Vol. 7), (pp. 299-321). Newbury Park, CA: Sage Publications, Inc.

---

**Избуллаева Гулчехра Валериевана,**

Педагогика фанлари бүйича фалсафа доктори (PhD)

Бухоро давлат университетининг Педагогика институти Педагогика,  
психология ва технологик таълим кафедраси доценти



---

### ДИДАКТИК АСАРЛАРДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

---

**Аннотация:** Уибу мақолада мутафаккирларимиз томонидан баён қилинган ижтимоий муносабат ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни тасвирланган. Айниқса шоҳ ўзининг атрофидаги аъёнларига ҳамда ҳалқига қиласидиган муносабати ёритилган.

**Калим сўзлар:** фозил, одил ҳукмдор, адолат, шафқат, меҳр-мурувват, гамхўрлик, шоҳ, аъёнлар, ҳалқ.

**Аннотация:** В данной статье описываются общественные отношения, описанные нашими мыслителями и их роль в развитии общества. В частности, подчеркивается отношение короля к своим придворным и своему народу.

**Ключевые слова:** благородный, справедливый правитель, справедливость, милосердие, сострадание, забота, царь, вельможи, народ.

**Annotation:** This article describes the social relations described by our thinkers and their role in the development of society. In particular, the king's treatment of his courtiers and his people is highlighted.

**Keywords:** noble, just ruler, justice, mercy, compassion, care, king, nobles, people.



Үрта асрларда кенг аҳамият қасб этган, ижтимоий муносабат бу шохнинг аъёнлари ва халқ билан муносабатидир. Шу ўринда, Фирдавсий, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низом ул-Мулк, Фаридидун Аттор, Жалолиддин Румий ҳамда Муслиҳиддин Саъдий каби мутафаккирларнинг асарларида инсоннинг баҳтили, саодатли бўлишини таъминлай оловчи, фозил, одил ҳукмдор ҳамда унинг фазилатлари, сарой аъёнлари ва уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, давлатни адолатли бошқариш шартлари, шунингдек, мавжуд жамиятда устувор ўринга эга бўлган ахлоқий меъёрлар хусусида сўз юритилади.

Жумладан, Саъдийнинг «Гулистан» асарининг биринчи «Подшоҳлар одати баёни» бобида ҳукмронга таъриф келтирилadi. Ҳукмдор ҳам оддий инсон саналади, у ҳам шахсий манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга, бироқ зиммасига юкланган ижтимоий вазифага кўра, у эл-юрт манфаатини шахсий манфаатларидан юкори қўйиши шарт. Ҳукмдор, энг аввало, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида сабот билан курашсагина жамият тараққий этади. У юрт подшоларга қарата донишмандлар тилидан: «Ҳар кимки ғазабин ичига ютар, у гуноҳ қилганнинг гуноҳин ютар», «Фитна қўзгатувчи ростдан, маслаҳатли ёлғон яхши» [6; 29] ва яна «Бойлик молда эмас, камолда, ақл ёшда эмас, бошдадир» [6; 27] – деган ҳикматларни келтириб ўтади.

Муслиҳиддин Саъдий подшоҳларнинг юксак инсоний сифатларга эга бўлишларини орзу қилади. Элу юрт ҳукмдори сифатида эътироф этилган инсон қуидаги фазилатларни ўз қиёфасида намоён эта олиши мақсадга мувофиқdir: адолатли, тадбирли, ғайратли, шижаотли, фаҳм-фаросатли, билимдон, доно, зийрак, олийжаноб, саховатли, жасур, мард ҳамда фуқароларига нисбатан ғамхўр бўлиш, шунингдек, дўст билан душманнинг фарқига бора олиш. Муайян мамлакат фуқароларига етакчилик, бошчилик қилаётган подшоҳларнинг юкорида қайд этилган фазилатлар эгаси бўлишлари ҳаётий заруриятлигини таъкидлайди. Подшоҳларга мол-дунёнинг ўткинчи эканлиги унга қўнгил қўймаслик борасида, Фаридун қасрининг пештоқига ёзилган:

Бу жаҳон ҳеч кимга қолмас, биродар,  
Дилингни Тангрига топширсанг етар.  
Таянч деб билмагил бу дунё молин,  
Кўпларни ўстириб, берди заволин.  
Жон берар экансан, фарқи йўқ сира,

Таҳтда ўласанми ё тупроқ узра [6; 21] – деб келтиради. Аллома молу-давлатнинг ўткинчи эканлиги борасида Нўширавонга ажам мулкидан бир қаландарсимон киши тилидан қилинган насиҳатини ҳам келтиради. Унга кўра, қаландар: «Аё шоҳ Нўширавон, отангга вафо қилганида бу баҳт, қачон сенга теккай эди тожу таҳт. Сен олтинни хасис шоҳ Корунча йигсанг ҳам битар, лекин қолур хайринг-у, ўзгасин ер ютар» [6; 132], – дейди. Демак, қаландар тилидан Нўширавонга тожу таҳт кўлига тегдими уни мурувватнинг мухим шарти хайрли иш ва хайру-эҳсон билан бошқариш лозимлиги борасида насиҳат қилинади.

Асарда давлат равнақи, фуқароларнинг тинчлиги ва уларнинг тотувлиги шоҳларнинг шафқатли давлат бошқарувига боғлиқdir, дейилади. Масалан: «Заиф фуқарога шафқат этсанг, кучли душмандан заҳмат кўрмайсан» [6; 35]. Ёмонларга шафқат қилиш – яхшиларга зулмdir, золимлар зульмини авф этиш – факир-фуқарони эзишdir [6; 127]. Саъдий ўз асарларида мурувват ва шафқат борасида кўпгина ҳикояларни ҳам келтириб ўтади. Масалан, Искандари Румийдан келтирилган ҳикояни ҳам кузатиш мумкин. Искандари Румийдан сўрадилар: «Фарбу шарқдаги мамлакатларни нима билан сабт этдинг?» Искандар деди: «Забт этган мамлакатим фуқароларига озор бермадим ва подшоҳларининг номларини фақат яхшилик билан ёд этдим» [6; 55]. Ҳикояда, Искандарнинг шафқати халққа зулм қилмаслик ва улуғларни қадрлаш каби тасвиранганд. Шафқатли ва мурувватли шоҳга эса халқ ишонади ва унга эргашади, давлатни бошқаришда оқибати хайрли бўлади. Чунки аллома «оқибативой бўладиган шоҳ бўлишдан келажаги порлоқ гадо бўлган яхши» [6; 142], – дейди.

Бундан ташқари, Саъдий ўз асарларида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан кўплаб мисоллар келтиради. У одил подшоҳ, вазир, донишмандлар тилидан шогирдларига ҳикматли сўзларини етказади. Масалан: Мусибатга гирифтор бўлмаган одам тинчлик-саломатликнинг қадрига етмайди [6; 20], – дейди. Подшоҳларнинг баҳиллигини қоралаб, «ўнта дарвеш бир гиламда ухлайди, аммо икки подшоҳ бир ўлкага сифмайди» [6; 23] ва яна «лашкарга маош тўлашга баҳиллик қилган подшоҳ учун лашқари ҳеч маҳал жонбозлик қилмаган» [6; 35], – дейди. Саъдий халқнинг шоҳ билан муносабатини ярим чин, ярим ҳажв шаклида тасвираб:



Султоннинг раъйига қарши сўз айтмоқ,  
Ўз юрак қонингга кўл ювмоқ, демак.

Кундузни подшоҳ кеча деб айтса,

Ҳай-ҳай, ана Ҳулкар демаклик керак [6; 52], – дейди. Мутафаккир бу фикр орқали бир тарафдан халқни султон зульмидан асраса, бир тарафдан султоннинг халқка кўрсатаётган ўринсиз зулмини қоралайди.

АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ ҳам саҳоватпешаликни улуғлаб, зулмкорликни қоралайди: «Кимки ҳамиша одамларга фароғат тиласа ва одамлар учун фароғат келтиrsa, ўша саҳоватли қалб эгасидир. Бундай одам ҳеч кимдан хизматини дариф тутмайди, тили, кўли, моли билан ўзгалар ёрдамига шошилади. Ҳамма вақт одамларни қийнашни одат қилган, одамларга азоб-у зулмни раво кўрувчи, тили, кўли билан озор берувчилар қалби нуқсонли одамлардир [4; 142], – дейди.

Саъдий «азиз дўйстим, подшоҳга хизмат қилишнинг икки жиҳати бор: бири – нон топиш умиди, иккинчиси – жондан жудо бўлиш кўркуви» [6; 37] – деб таъкидлайди. ва яна, «тўрт одам тўрт одамдан ўлгудай кўрқади: қароқчи-султондан, ўгри – посбондан, қаллоб – чақимчидан ва фоҳиша – миршабдан», – деб келтиради. «Уч шахс: жафокор шоҳ, ҳаёсиз ва тарозуда алдоқчи қишилар устидан ғийбат раводир» [6; 234], – дейди.

«Бўйстон»нинг биринчи «Мамлакатни идора қилиш тадбири, одиллик ҳамда тўғри фикрлаш ҳақида» бобида Нўширавон Ҳурмузга, Ҳусрав Шеруяга, Шопурнинг Ҳусравга, йилқичининг Дорога, оқилнинг Туклага ва Шом шоҳига берган маслаҳатлари, насиҳатлари келтирилган. Шу ўринда, Шопурнинг Ҳусравга давлат бошқаруви борасида [6; 149] берган насиҳатида: фитнагарни ҳайдаши, хиёнаткорни текшириш лозимлиги, шоҳнинг ғазабли ҳамда мурувватли бўлиш лозимлиги, саҳий, хушхулкли бўлиши, ўзидан кейин яхши ва тирик ном колдириш учун ҳовуз, кўл, кўприк ва карvonсарой қуриб қордириши, улуғларни унугтаслиги, ғаразгўй сўзига қулоқ солмаслиги, кечиримли, сабрли бўлиши каби ҳусусиятлар келтирилади.

Асарда оқил тилидан шоҳга фитнагар, хиёнатчи, ғаразгўйларни қўллаб қувватламаслик, мудом эл ғамини емоқ, заифларга жабр кўрсатмаслик, улуғларга эргашиб, насиҳат ва ўгитларига қулоқ тутиб давлатни бошқармоқ ҳақида фикр юритилади. Аллома шоҳларнинг давлат бошқаруvida кучли таъсир кўрсатадиган қишилар ҳақида ҳам фикр билдириб: «Икки кимсани сақла, шоҳи жаҳон! Бири оқилу ул бири паҳлавон [6; 185], – дейди.

Кейинги ҳикояда XI асрнинг иккинчи ярмида ҳукм сурган Шероз отабекилардан бири Тукланинг [6; 163] оқилга: ҳаётим бехуда ўтмоқда, кўнглим хилватда ибодат истайди, – деган тилагига, оқил: сенинг ибодатинг бу ўзи халқка хизмат қилиш ва дили поклик, хуш хулқлик, огоҳлик, садоқат ва ирова билан халқни бошқаришдир, – деб жавоб келтирилган. Ушбу ҳикоя орқали халққа хизмат қилиш ва адолат билан халқни бошқариш тоат-ибодатдан афзаллиги оқил томонидан насиҳат қилинмоқда.

НОСИРИДДИН ТУСИЙНИНГ «Ахлоқи Носирий» асарида ҳам раиятни адолат, фазилат ва ҳикмат қонунлари асосида идора этмоқ лозимлиги таъкидланади. Бадан – табиатларнинг, табиатлар – нафснинг, нафс – ақлнинг соясида мустаҳкамлангани каби, шаҳарларнинг мустаҳкамлиги шоҳга, шоҳнинг мустаҳкам сиёсатига, сиёсатнинг мустаҳкамлиги эса ҳикматга боғлиқдир [9; 120], – дейилади.

Тусий подшоҳнинг шаҳарда татбиқ этилган ижтимоий муносабат ўз қоидасида бўлса, адолат қонунларига риоя этилса, тартиб-интозим ўрнатилар, ҳар нарса камолга тўғри ривожланар. Лекин агар ижтимоий муносабат ноқис бўлса, шариатга тўғри келмаса, қонунлар да адолатсизликка йўл берила бошланар, шундай вақтда адолатсизлик ўзига йўл топади, ўлканинг гўзалиги кетади, чиркинликлар, фитна-фасодлар бош кўтарар, инсоф-мурувват орадан йўқолади, муҳаббат нафрат билан эваз олинади [9; 128], - дейди.

«Керакки шоҳ кўмак учун мурожаат этганларни кўр-кўронга қайтармай, жанжал қўзғатувчи, сотқин одамларнинг айтганларига тасдиғини топмасдан ишонишга, умид ва қўркув эшикларини жамоатнинг юзига ёпмасдан, душманларни даф этишда, ёлларнинг омон-эсонлигини таъмин этишда, сарҳадларни кўриклашда, соқчиларнинг ҳушёр, эътиборли қолишида, шижаот соҳибларини ҳурмат қилишда эътиборсизлик кўрсатмасин; олимлар билан, ўтириб-туриши, фазилат соҳиблари билан қалин алоқа сақлаши керакдир» [9; 188]. Ўз нафсининг олдини олиши, шон-шуҳрат, қудрат-шафкатга боғланмаслик, бир онда бўлсин ўлка ҳақида фикрлашмоқни, ишларини тартибга солмоқни унугтаслик керакдир, чунки шоҳнинг ўлкани муҳофаза этмоқ ҳақидаги тадбирлари буюк қўшинларнинг қувватидан жуда кучли бўлади ва хуллас олим «ўз ўлкасини сақламоқ, бошқаларнинг тупроқларини забт этмоқ кўп



қийин масаладир, дунёнинг пойдевори шундай қурилгандирки, озуқа эхтиёти, ўрда ва қўшин сақламасдан, хазинага эътибор қилмасдан, тасодифий бадбаҳт ҳодисаларни назарга олмасдан, ҳаракат қилмасдан, санъат, касб, ободлик ва бу каби ишларга маблағ сарф этмасдан яшаб бўлмас» [9; 188], – дейди.

Асарда «Энг тўғри усул турли хил одамлар билан хайрли сухбат этмоқдир. Чунки ҳар одамнинг ўз юрак дўсти бўлади ва ўз юрагида бўлган сўзларини бутун таг-туғи билан унга айтар, озгина сухбат этганда, боши сухбатга қизиганда, ўрни келганда юрақдагилар ҳам тилга келади, сирлар зохирга чиқар. Лекин бутун эшитилгандар қайта-қайта бирма-бир солиштирилиб турли хил шакллар таҳлил этилиб текширилмагунча бир тарафлама натижа чиқарилмаслик керакдир» [9; 190], – дейилади.

Тусий «Ахлоқи Носирий» асарида подшоҳлик муносабати борасида Искандардан қатор хикояларни келтирган. Жумладан, Искандарни айблаган девонага жазо беришини кутган аъёнларга нисбатан Искандар: «Бундай этмоқ ақлли иш бўлмас, жазодан сўнгра нафроти жуда ҳам ортар, айбларимни ўрганиб мени фош қилади ва шарманда этади, бундайлик билан, мен унинг тили узунлигига сабаб бўлиб, ҳалқ унинг ҳақига афв сўраб келишига имкон яратаман» [9;123], – дейди. Яна бир кун қочқин исёнчига нисбатан Искандарнинг надимларидан бири: «Мен сенинг ўрнингта бўлсайдим, уни ўлдирадим», – деса, Искандар унга: «Мен шунда сен бўлмаганим учун уни ўлдирамайман» [9; 142], – дебди.

Дидактик асарларда шоҳларга нисбатан «адолат» каби хислат таърифи кетганда Нўширавон образи ҳам гавдаланади. Нўширавон образи адолатли подшоҳ, ҳалқини ёвуз кишилардан сақловчи ҳукмдор, донишманд киши ҳамда давлат ишлари билан биргаликда санъат ва маърифатга кучли меҳр билан қаровчи инсон сифатида таърифланган. Унинг шахси куйидаги манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, бу образ машҳур ҳинд масали «Калила ва Димна», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хусравнинг «Саодатнома», Юсуф Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Махмуд Қошгариининг «Девони луғатит турк», Кайковуснинг «Қобуснома», Фаридуддин Атторнинг «Илоҳийнома», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Муҳаммад Авфийнинг «Жомеъ ул-хикоят», Бурхониддин Рабгузийнинг «Қисаси Рабгузий», Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-кулуб», «Вақфия», Пошоҳўжанинг «Мифтоҳ ул-адл» ва кўпгина бошқа асарларда келтирилган.

Нўширавони одил образи Шарқ алломалари, мутафаккирлари томонидан яратилган дидактик асарларда ўз ифодасини топган. Нўширавон - асл исми Хисрав I, лақаби Анушервондир. Анушервон сўзининг маъноси «абадий руҳ эгаси, ўлмас руҳ эгаси» хисобланади. У Сосонийлар сулоласига мансуб бўлган Эрон подшоҳи. Анушервон отаси Қубод жорий қилган давлатни бошқариш, идора қилиш усули, солиқ тизими ҳамда ҳарбий соҳаларда жиддий ислоҳотлар ўтказган, мамлакатни раиятпарварлик билан бошқарган. Анушервон шаҳар ва қишлоқларни обод этиш, кўхна қадриятларни тикишга алоҳига эътибор қаратган, унинг даврида зардуштийлик ривожланган, ўзаро урушларга узил-кесил барҳам берилган. Анушервоннинг адолатлилиги, маърифатпарварлиги ҳалқ орасида кенг ёйилган, ҳатто ҳалқ оғзаки ижодида, ёзма манбаларда Анушервон ҳақида қиссалар тўкилган.

Биринчилардан бўлиб дидактик асарлар қаторида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Нўширавон ҳақидаги тарихий далил келтирилган. Асарда «Барзўйнинг Ҳиндистандан «Калила ва Димна»ни келтиргани» ҳикоясида айтилишича, Нўширавон бундан 1800 йиллар илгари ятилган «Калила ва Димна» китобининг таърифини эшишиб Барзўя деган табибни юбориб, китобни олдирган ва дарий (форсий) тилига таржима қилдириб, пахлавий (ўрта форс) тилида шарҳ эттирганлиги ҳамда ушбу китоб асрлар давомида араб тилига ўгирилган, форсий-дарий тилига қайта кўчирилишига фармон берилгани айтиб ўтилган. «Ҳукм сурганда ҳам араб алфози, у бўлди пахлавий тилин мумтози» [7; 583-587] – дейилади «Шоҳнома»да. Шундан ҳам билиб олиш мумкинки, Нўширавон давлат бошқарувида маърифий, маданий соҳаларга жуда катта эътибор қаратган.

Панднома асар сифатида танилган «Қобуснома»да ҳам Анушервон ҳақида алоҳида ўрни бор. Китобнинг саккизинчи боби «Анушервон пандларин ёд олмоқ зикрида» [3; 57] деб номланади. Ушбу бобда Анушервони одилнинг 33 та панди келтирилган: бу насиҳатлар узоқ умр кўрган ва катта ҳаётий тажриба соҳиби бўлган донишманд бир инсоннинг тарбия мактаби, ҳаёт мазмуни, ақл маҳсули гўзал ва сермазмун ҳикматлари орқали баён этилган.

Нўширавон образининг кейинги манбаларидан бири Муҳаммад Авфийнинг «Жомеъ ул-хикоят»идир. Яздижурд, Баҳром, Хисрав Парвез, Анушервон каби Ажам шоҳлари, Афлотун,



Арасту, Букрот каби юонон ҳакимлари, Искандар, Ҳотами Той ва Мажнун каби ўнлаб анъанавий образлар Мұхаммад Авфий ҳикоятларининг бош қаҳрамонлари дидир. Мұхаммад Авфий ўз асарида Нұширавон образини турли ҳикоятларда турлича акс эттирган. Улардан «Мұнадұз ва Нұширавон» [1; 182] номли ҳикоятга назар ташлайдиган бўлсак, ҳикоятда Шайх Абул Мавид деган қаҳрамон тилидан пайғамбаримизнинг «Одил шоҳлар онадан одил бўлиб туғиладилар», – деган ҳадиси келтирилади ва шарҳланади. Бу ҳадисни эшигтан султон шундай дейди: – Шубҳасиз Мұхаммад (с.а.в.) сўзининг бу ҳадисини Нұширавоннинг охирги хукмронлик йилига монанд қилиб айтган. Зероки, Нұширавон ўз хукмронлигининг охирги даврларида адолатга мойил эканлигини ошкор қилган эди. Аммо Нұширавон ўзининг дастлабки хукмронлик даврида шундай золим эдики, Ажам шоҳлари орасида ҳеч ким унчалик ситамкор бўла олмаган эди. Унинг бундай адолатли бўлишига бир қўшниси сабабчи бўлди», – деб бир воқеани айтиб беради. Бу ҳикоятда ҳикоя ичида ҳикоя келтирилган. Ички ҳикояда Нұширавоннинг адолат йўлига киришига сабаб бўлган воқеа, яъни яхши фазилатларга эга бўлган қўшниси билан бўлиб ўтган воқеа ҳикоя қилинади. Унда Нұширавон қўшнисининг мурувват, қўли очиқлик, сер мулоҳазалик ҳамда ҳиммати баландлик хислатларини эшитиб уни синамоқчи бўлади. Қўшниси унга билимда, мурувватда, сабрда ҳамда хотамтойликда намуна бўлади, буни кўрган Нұширавон қўзига ёш олиб, хукмронлиги даврида йўл қўйган хотоларини тушунади ва энди ҳаётининг қолган қисмини шу хислатлар билан ўтказишга қарор қиласди.

Нұширавоннинг одиллиги ва олий ҳимматлиги мадхини «Қисаси Рабғузий»да келтирилган бир ҳикояда ҳам кузатиш мумкин. Бир киши, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан айтилишича, одил подшоҳ жасадини тупроқ чиритмас. Халифа Маъмун айтди: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига ҳеч шак келтирмасман, лекин Нұширавоннинг жасадини очаман, негаки Нұширавон одилликнинг тимсоли эрур», – деб Нұширавоннинг хилхонасига борди. Мадойин шаҳрида хилхонани очдиким, Нұширавон ухлагандек ётган экан. Қўлида учта узук, узукларга насиҳат битилган: дўст ва душманни фарқлагин; ҳар ишни донишмандлар билан кенгашмай, бошлама, киришма; раиятнинг риоясини ташламагин. Бош томонига лавҳ ёзилган: «Ҳар киши тиларким мулки қўпайишин, ўз даврида олимларни дўст тутсин» [8; 106].

Шу ўринда Нұширавоннинг донишманд инсонларни ўзига қанчалик дўст тутишини Ш.Шомуҳамедов томонидан таржима қилинган Авфийнинг «Нодир ҳикоялар»ида келтирилган қатор ҳикоялар орқали билиш мумкин. Айникса, Анушервон ва унинг донишманд вазири Бузругмехр ўртасидаги сухбат борасида қатор ҳикоялар келтирилган. Бир ҳикоятда, Анушервоннинг «Эй, ҳаким, дунёда энг яхши нарса нима?» деган саволига, Бузругмехр: «Ўлим, аёл ва эҳтиёж» деб, ҳар бирини моҳиятини шоҳга тушунтиради. Бу ерда, Анушервоннинг доно вазирининг қанчалик билимли эканлиги кўрсатиб берилган. Кейинги ҳикоятда Анушервонни ақлли, фаросатли, ҳар бир гапини ўйлаб, мазмунини тушунган ҳолда гапиравчи хукмдор сифатида акс эттиради. Яна бир ҳикояда, Анушервон хукмронлиги даврида икки дарвеш унинг саройига келибди ва улардан бири баланд товуш билан «Ёвузлик кўрмайин десанг, ёвузлик қилма», - дебди». Иккинчиси: «Яхшилик қилган киши ҳамиша яхшилик кўргай!» – дебди.

Анушервон амири билан биринчисига минг динор, иккичисига икки минг динор беришибди. Бу ҳолни кўрган мулозим ва надимлар подшоҳдан: «Иккаласининг ҳам сўзи бир маънени ифодалайди-ку, нега икки хил мукофот бердинг?», – деб сўрашибди. Анушервон шундай жавоб берибди: – Бири ёмонликни мадҳ этди, иккинчиси яхшиликни. Яхшилар билан дўст-у ҳамсухбат бўлишдан яхши ва ёмонлар билан ҳамтовоқ бўлишдан ёмон иш борми дунёда [2]. Кўриниб турганидек, бу ҳикоятда Анушервон донишманд хукмдор сифатида акс эттирилган.

«Жавоме ул ҳикоят» асарида келтирилган кейинги ҳикоят Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» ва Фаридиддин Атторнинг «Илохийнома» [5; 327] асарида ҳам учрайди. «Нұширавони одил ва кекса боғбон» ҳикоятида Анушервон ва кекса бир киши ўртасида бўлиб ўтган сухбат ҳикоя қилинади. Бунда кекса донишманднинг ҳозиржавоблиги, зукколиги ва узокни кўзлай олиши шоҳни ҳайратга солади. Кекса кишининг ибратли сўзларини эшитиб унга мукофот тақдим этганлиги ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари, асарда Анушервон гуноҳкор амирнинг ўрнига унинг вазирини жазолаганлиги ҳақидағи воқеа тилга олинади. Бунда бир амир гуноҳ иш қилиб жазодан қочади, шоҳ бу жазони вазирга беради. Ҳамма ҳайратланиб шоҳдан сабабини сўраганда, «У амирни тавсия қилган шу вазирдир» деб жавоб беради. Демак, бу воқеадан хулоса қилиш мумкинки, давлат бошлигининг тўғри йўл тутишида зулм ёки адолат



қилишида вазирларнинг хатти-ҳаракатлари, маслаҳатлари мухим аҳамиятга эга, эканлигини, яъни бу ҳикоятда муаллиф Анушервон орқали золим, ақлсиз вазирларга танбех бермоқчи бўлади.

Машҳур форс-тожик шоири, адаби ва мутафаккири Муслихиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари ҳам Нўширавон образининг бизгача етиб келишида маҳим манба сифатида хизмат қиласди. Асаддаги учта ҳикоят Нўширавони одилга бағишлиланган. Улар йигирманчи, ўттиз ва ўттиз биринчи ҳикоятлардир. Жумладан, йигирманчи ҳикоятда Нўширавони одилнинг овга чиқиши ва у ерда туз билан боғлиқ ҳикоят келтирилади. Бу ҳикоятда Нўширавон образи ўз атрофидаги мулозимларини тўғри йўлга бошлаганлиги ҳақида сўз юритилади. Ҳикоятда «Тузни баҳосини тўлаб олиб кел, токи текинга олиш одат қаторига кириб қишлоқ ҳаробаликка юз тутмасин» [6; 43], – деган жумлалар бор. Саъдий ҳикояти якунида хулоса сифатида қўйидаги қитъя келтирилади:

Фуқаронинг боғчасидан сulton узса бир олма,  
Навкарлари қўпоради дараҳтларнинг илдизин.  
Зўрлик билан бешта тухум ола қолса подшоҳ,

Аскарлари сихга тортар товуқлардан беш юзин [6; 43]. Аллома ушбу ҳикоя орқали инсонийлик ҳамда сахийлик сифатларига эга бўлиш шахс камолотининг даражасини кўрсатувчи энг юқори мезонлар эканлигини баён этади. Кейинги ўттизчи ҳамда ўттиз биринчи ҳикоятларда эса Нўширавоннинг вазири Бузругмehrнинг донолиги, оқиллиги мадҳ этилади.

Асадда Нўширавоннинг Ҳурмузга насиҳатлари келтирилади. Унга кўра, жаҳондан кетар пайти Нўширавон, ушбу сўзларни Ҳурмузга баён этган экан:

Ҳамиша ғариблар дилин овлагил,  
Сен ўз роҳатинг кўзлаган бўлмагил...  
Дараҳт бўлса шоҳ, ҳалқ илдиз эрур,  
Бил, ўғлим, томир-ла дараҳт улгаюр.  
Элинг қалбин оғритма, берма зарар,

Қурур илдизинг ранжиса эл агар [6; 148]. Ушбу насиҳатда Нўширавоннинг адолат соҳиби, ҳалқни улуғлаши ва ҳалқ дардида яшайдиган шоҳ эканлиги англашилади. Аммо шуниси ҳам аниқки, ҳар бир мутафакир ўз даврининг талабидан келиб чиқиб, масалага ёндашади, ўз кузатишлари, эътиқоди, ижтимоий қарашлари тақозосига кўра фикр-мулоҳаза баён этади, адолат ва одил ҳукмдор масаласини ҳал қиласди. Нўширавон ҳақида ёритилган ҳикоятлар қайта-қайта ишланиб, тилдан тилга, китобдан китобга ўтиб одиллик рамзи сифатида талқин этилган. Шарқнинг кўпдан кўп адиблари ўзларининг асарларида Нўширавонни адолат тимсоли сифатида мадҳ этганлар.

Алломалар томонидан изоҳлари келтирилган ижтимоий муносабатларда, инсон шахсининг олийжаноб, инсонпарвар, илмли, маърифатли, адолатпарвар, саховатли ва шунга ўхшаш қўргина хислатлари улуғланиб, шу билан бирга бепарволик, илмсизлик, жоҳиллик, очқўзлик каби салбий хислатлари қораланган. Бундан ташқари шоҳ, давлат бошлиғи ва унинг кўл остилари билан муносабати қоидалари изоҳланган.

Дидактик асарларда баён қилинган ижтимоий муносабатлар узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб борища, маънавий тарбияни шакллантиришда оила, маҳалла ва таълим муассасалари, шунингдек, бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйишда, маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланишга хизмат қиласди.

### **Адабиётлар.**

1. Авфий Муҳаммад. Рашқчи эрни жазолаган хотин. Форс тилидан И.Низомиддинов ва Т.Файзиев таржимаси. Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи. 2012 – 252 б. 182 – б.
2. Кайковус. Қобуснома; форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий тарж.; нашрга тайёрловчилар. С.Долимов, У.Долимов. – Т.: «O’qituvchi», 2011. – 208 б. 57-бет.
3. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Т.: «Маънавият», 1997, 142 б.
4. Нишопурий, Шайх Фаридиддин Аттор Достонлар. – Т.: Tamaddun, 2012 – 327-б.
5. Саъдий. Гулистон. Бўстон. – Т.: Faafur Fулом номидаги н.-м. ижодий уйи, 2013. – 29 б.